

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VA SPORT ISHLARI
VAZIRLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI**

O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA INSTITUTI

Qo'lyozma huquqida

Kamolov Muxtor

**MAVZU: QISQA MASOFALARGA YUGURISH TURLARIDA
O'RNATILGAN REKORDLARNI TAHLILI**

Ta'lim yo'nalishi: 5610500 – “Sport faoliyati” (Yengil atletika)

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ish ko'rib chiqildi va himoyaga
qo'yildi. Yengil atletika, og'ir atletika va
velosport nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi
mudiri

_____ M.S.Olimov
« » _____ 2016 y.

Ilmiy rahbar

p.f.n., N.T.To'xtaboyev

Toshkent – 2016

Kirish

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралда Ўзбекистон спортчиларини Рео-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паролимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ПҚ-1923 сонли қарорнинг мазмун ва моҳияти жиҳатидан спортчиларни кўп йиллик Олимпия циклларига тайёрлаш масалалари очиқ берилган.

Қисқа масофаларга югурish, ya'ni, sprint – bu yengil atletikaning qadimiy turlaridan bo'lib, sportchining jismoniy va ruhiy jihatlariga yuqori talablar qo'yadi. Shu sababdan jahonning kuchli sprinterlarining barcha rekord natijalari qisqa masofalarga yuguruvchilarni tayyorlashga nisbatan zamonaviy yangi ilmiy yondashuvlar bilan bog'liq bo'lib qolmoqda. Bu esa sportchilarni tayyorlash uslubiyatiga doir to'plangan jahon tajribasini chuqurroq o'rganib chiqishni taqozo etadi.

Halqaro sport maydonlarida o'z o'rnini saqlab qolish va yanada yaxshilash uchun murabbiy va sportchi amaliyotda sportchilar tayyorlash tizimiga taalluqli bo'lgan biomexanika, fiziologiya va boshqa fanlarda erishilgan so'nggi ilmiy ishlanmalar natijalaridan foydalanishlari, dunyoning eng kuchli yuguruvchilari tajribasini umumlashtirish asosida mashg'ulotning taraqqiy etgan uslublari tizimini muntazam ravishda o'zlarida takomillashtirib borishlari zarur.

Respublikamiz mustaqillik yillarida sprinterlarimizning mahoratlari ancha o'sdi. G.Xubbieva XV va XVI Osiyo o'yinlarida (Doxa, 2006; Guanchjou, 2010y.) 100-200 metrga yugurishda g'olib va sovrindorlar qatoridan joy oldi. L.Perepelova 100 metrga yugurishda rekord natijani qayd etdi – 11,04 *sek* (2000y.), erkaklarda 200 metrga yugurishda O.Juravlev 2008 yilda 20,74 *sek* natija bilan rekord o'rnatdi. Bu sport natijalari sportchilarimizning yuksak mahoratga erishayotganligidan darak beradi.

Тадқиқотнинг мақсади: Қисқа масофага югурувчи енгил атлетикачиларни мусобақаларини таҳлил қилиш ва олимпия ўйинлари ҳамда бошқа йирик мусобақалар финаллари қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқот вазифаси: Олдимизга қўйилган мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни ҳал этдик.

-қисқа масофага югурувчи спортчиларни мусобақаларга тайёргарлигини назорат қилиш;

-қисқа масофага югурувчиларни мусобақаларини таҳлил қилиш;

-қисқа масофага югурувчи Ўзбекистон ва Жаҳон енгил атлетикачиларини натижаларини қиёсий таҳлили.

Ишнинг янгилиги: Қисқа масофага югурувчилар мусобақа жараёнини замонавий технологиялар ёрдамида таҳлил қилиш ва мусобақа натижаларини ўрганишдан иборат.

Ишнинг фарази: Фараз қилиндики, қисқа масофага югурувчи енгил атлетикачиларни мусобақа натижаларини очиқ бериш ва қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Қисқа масофаларга югурувчи енгил атлетикачилар мусобақа фаолияти ва дунёнинг йирик мусобақаларидаги кўрсатилган спорт натижалари.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси: Ҳозирги кунда иқтидорли ҳамда истиқболли спортчиларни тайёрлаш айниқса, уларни йиллик тайёргарлик машғулотларни такомиллаштиришни, спорт натижаларини ўсишга имкон берувчи методикани излаб топиш масалалари ҳозирда янгича илмий назарий ёндошувнинг муҳим муаммоларидан саналмоқда. Қисқа масофага югурувчи Ўзбекистонлик спортчиларнинг натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қарийб 10-15 йил ичида қисқа масофага югурувчиларнинг спорт натижалари кенг сурада ўсмаслиги олиб борилган кузатув жараёнида аниқланди.

Албатта ҳозирги кунда Ўзбекистонлик қисқа масофага югурувчи ўсмирларнинг спорт натижасини Жаҳондаги қисқа масофага югурувчилар

натижаси билан тенглаштираш жуда мураккабдир. Спортчиларнинг қисқа масофага югуриш бўйича тайёрлашда йиллик тайёргарликнинг тайёрлов даври, мусобақалашув даври, ҳамда ўтиш даври юкламаларнинг тақсимлашда уларнинг жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги, техник тактик ҳолати, рухий ва функционал тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда тақсимланиши бўйича етакчи олимлар ўрганган ва илмий изланишлар олиб боришган. Лекин йилдан-йилга спорт натижаларини ўсиб бориши йиллик тайёргарлик машғулотларини талаб этиши ҳеч кимга сир эмас. Аммо, йиллик тайёргарлик машғулотларида қўлланиладиган восита ва усуллари умумий ҳажми бажарилиши интенсивлиги бўйича кўпчилик олимлар кам эътибор қаратганлар.

В.Папов, К.Т.Шакиржанова, Р.Кудратов, Ю.Т.Травин бир қатор тадқиқотчиларимиз илмий ишларида кўпроқ ўқув машғулот гуруҳи, спорт такомиллашув босқичи тарбияланувчиларининг машғулот жараёнига эътибор қаратишган. Катта ёшдаги спортчиларни тайёрлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, айнан йиллик тайёргарлик юкламаларининг тақсимланишида техник тактик тайёргарлик бўйича иш олиб борилмаган. Спорт машғулот циклида бошқариш ва такомиллаштириш спорт назарияси услубиятида кўп йиллик ва мураккаб жараёнларидан ҳисобланади.

Қисқа масофага югурувчиларни тайёрловчи мураббийлар билан олиб борилган суҳбатга кўпчилик мураббийларда йиллик машғулотларни тахминий режалаштириш ҳамда юкламалари ҳажмини билишади, лекин воситаларни қўлланилиши ва бажарилиши шиддати, оралиқ давомийлига, техник тактик тайёргарликнинг қанча бўлишлигини ҳали ҳам айрим мураббийлар билмаслиги учрамоқда. Бу эса йиллик машғулот юкламаларни тақсимлашда умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик юкламаларининг нисбатлари албатта спорт натижаларини ўсишига таъсир этмасдан қолмайди. Кўпчилик олимлар фикрига кўра асосий муаммолар машғулот воситалари ва усуллари орқали

мусобақаларга тайёргарлик кўришдаги айрим нуқсонлар келгусида мусобақада ўз аксини кўрсатишини билдирганлар.

I БОБ. ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАРНИ ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИК ЦИКЛИДА ТЕХНИК-ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИ ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Қисқа масофага югурувчиларни анатамик-физиологик хусусиятлари.

Қадамлар узунлиги ва суръати орасидаги боғлиқлик тадқиқ қилинган. Бу кўрсаткичлар спортчининг бўйига, оёқлари узунлигига ва югуриш тезлигига, кадам узунлиги эса сон мушакларининг ёзилиш кучига ҳам боғлиқ.

Бу тадқиқотларнинг энг муҳим натижаларидан биридир.

Спринтда унча юқори малакага эга бўлмаган югурувчиларда натижани асосан куч қобилиятларини машқ қилиш йўли билан қадамлар узунлигини ошириш орқали яхшилаш мумкин.

Одатда, аёлларда эркакларга нисбатан қадамлар суръатини ошириш осонроқ. Юқори малакали спринтерлар қадамлар суръатини сақлаб қолган ҳолда масофанинг якунловчи фазаларида координацияни яхшилаш йўли орқали ўз натижаларини яхшилаб олишлари мумкин.

Спринтерларининг антропометрик кўрсаткичлари генетик тарзда оналаридан ўтади. Максимал тез ҳаракатларда координацион имкониятларни ифода этувчи асаб тизими ҳоссаси спорт машғулоти жараёнида деярли ўзгармайди. Кўпчилик болалар тез югуришда 150-160 миллисекунд ичида депсинишни бажарадилар, лекин шундай балоғот ёшидаги болалар учрайдики, уларда бу кўрсаткич 80-90 миллисекундга тенг.

Югуришда ишда деярли барча тана мушаклари иштирок этади. Бироқ энг катта юклама оёқлар мушагига тушади.

Югуришда мушаклар иши асосини ҳаракатларнинг чалиштира координацияси ташкил этади.

Югуриш ҳаракатининг баъзи фазаларида мушаклар ишини кўриб чиқамиз.

Югуришда спортчи ҳаракатларининг ташки кўринишини баҳолаш ҳаракатларининг тўлиқ кўринишини баҳолаш ёки, механика тилида айтадиган бўлсак, ҳаракат кинематикасини ўрганиш ҳар доим ҳам тўлиқ маълумот беравермайди.

Инсон ҳаракат апаратининг энг мураккаб анатомик ва физиологик тузилмалари ҳозирги вақтда югуришнинг хусусиятини етарлича аниқ моделлаштиришга ҳамда таърифлаб беришга имкон яратмайди. Қийинчилик шундан иборатки, нафақат оёқларнинг 50 та мушагидан ҳар бири, балки тана ва кўлларнинг кўпгина бошқа мушаклари ҳаракатнинг умумий хусусиятига таъсир кўрсатади.

Ундан ташқари, инсонларда мушак толалари тузулиши ҳар хил бўлади, агар яна морфологик белгилар ҳам эътиборга олинса (тана ва унинг аъзоларининг умумий тола ўлчамлари), спортчи - спринтернинг азоларининг асосий ҳаракат тавсифларини сифат жиҳатдан таърифлаш жуда қийинлиги яққол кўзга ташланади.

Шунинг учун қисқа масофаларга югурувчининг идеал ҳаракат модели тўғрисида эмас, балки спортчи томонидан максимал тез ҳаракатларни бажариш жараёнида мушак қисқариши ҳамда мушаклар гуруҳларининг ўзаро таъсири қонуниятлари тўғрисида гапириш мақсадга мувофиқдир.

Югуришда маълумки, мушаклар ишида мушак зўриқиши шунга олиб келадики, у ўраб турган бўғим бурчаги камаяди ва у қисқаради. Ҳар хил ҳаракатларда мушаклар ерга тушишни амортизациялаши ёки катта тезлик билан ҳаракатланаётган оёқларни тўхтатиши керак бўлади. Бунинг натижасида зўриққан мушак ташки кучлар таъсирида чўзилади, бундай режим эксцентрик зўриқиш, деб аталади.

Тез ҳаракатлар мушакларнинг шундай ишлашини тақозо этадики, бундай ишда бўғим ўраб олинган бўлади. Бўғимни қарама-қарши томонлардан ўраб турувчи антагонист мушаклар бир вақтнинг ўзида зўриқади ва кучни ўзаро мувозанатлаган ҳолда бўғимни “қулфлаб қўяди” ва қаттиқ тизим ҳосил қилади.

Мушакларнинг бундай зўриқиши изометорик зўриқиш дейилади.

Демак, ҳаракат амалини бажариш жараёнида мушак бўшаштирилиши ёки учта зўриқиш ҳолатидан бирида бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳаракатнинг ички механизмини ўрганишда айрим мушак гуруҳларининг зўриқиш хусусиятини, мушакда бир вақтнинг ўзида ишлаётган ҳаракат бирликлари сонини (бу қисқариш кучини аниқлаб беради), шунингдек, уларнинг зўриқиш давомийлигини билиш зарур.

Қисқа масофага югуриш мусобақалари масофа узунлигига қараб тақсимланади: 60 м.дан бошлаб бу масофада фақат ёпиқ иншоотларда 400 м. гача масофада мусобақалар ўтади.

Қисқа масофада жисмоний тайёргарлик бўйича қўйиладиган талаблар масофа узунлигига мувофиқ равишда ўзгариб туради, лекин ҳамма масофалар учун энг асосий сифат бу тезликдир.

Қисқа масофада югурувчиларда тезлик-юқори тезликда югуриш учун керак бўладиган самарали юмшоқроқ ҳаракатларни таъминловчи мушакларнинг тез, кучли қисқариши натажасидир.

Скелет мушакларининг қисқариши содир бўладиган тезлик кўп жиҳатдан мушак толалари хоссаларига боғлиқ.

Энг яхши югурувчилар узоқ масофага югурувчиларга нисбатан фоиз ҳисобига юқори миқдорда мушак толаларга эгалар.

Узоқ масофага югурувчиларнинг мушаклари кўпроқ миқдорда сут толаларга энг “Спринтер” бўлиб шаклланмайдилар, балки туғуладилар” деган ибора шундан келиб чиқган. Бироқ бу ибора фақат қисман тўғри. Машғулот жараёнида эгалланган малакалар мушак қисқаришларнинг тезкор югуриш

ҳаракатларига айланишида ёрдам беради. Бу қобилиятларни машқ қилдириш ва ривожлантириш зарур. Машғулотлар ҳам бошқа қобилиятларни, жумладан куч, координатция ва махсус чидамлилиқни ошириш мумкин, бу қисқа масофага югурувчиларда мувоффақиятга эришишига ёрдам беради. Ундан ташқари машғулот ҳар хил тенгдош мушак толалари фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкинки, уларнинг мумкин бўлган қисқариш тезлиги ошади. Ниҳоят мушаклардаги толалар тури ўзгармас деган тахмин тадқиқотларда ҳар доим тасдиқланмайди.

Мушаклар таркибида ҳам невролгинда ҳам метаболик таркиблар мавжуд, улар ҳам қисқа масофага югуриши мувоффақиятини белгилаб бериши мумкин.

Қисқа масофага югурувчиларнинг анатомик морфологик хусусиятлари, қадамлар узунлиги ва суръати орасидаги боғлиқлиқни тадқиқ қилинган. Бу кўрсаткичлар спортчининг бўйига, оёқлари узунлигига ва югуриш тезлигига қадам узунлиги эса сон мушакларининг ёзилиш кучига ҳам боғлиқ.

Бу тадқиқотларнинг энг муҳим натижаларидан биридир. Қисқа масофага югурувчиларда унча юқори малакага эга бўлмаган югурувчилар натижаси асосан куч қобилиятини машқ қилиш йўли билан қадамлар узунлигини ошириш орқали яхшилаш мумкин.

Одатда аёлларда эркакларга нисбатан қадамлар суръатини ошириши осонроқ. Юқори малакали қисқа масофага югурувчилари ривожлантира оладиган суръатдан жуда кам фарқ қилади.

Ҳар хил бўй узунлигига вазнига эга спортчилар, оёқлар узунлиги кўрсаткичлари турлича бўла туриб, қисқа масофаларга югуришда катта натижаларга эришади.

Қисқа масофага югурувчиларнинг антропометрик кўрсаткичлари генетик тарзда ота-оналардан ўтади. Максимал тез ҳаракатларда координатцион имкониятларини ифода этувчи асаб тизими хоссаси спорт машғулоти жараёнида деярли ўзгармайди. Кўпчилик болаларда тез югуришда 150-160 м ичида

депсинишни бажарадилар, лекин шундай балоғат ёшдаги балаларда учрайдики уларда бу кўрсаткич 80-90 м.га тенг.

Спортчилар механик иш бажариш қобилияти бўйича мушак толалари суст(қизил) тез (оқ) толаларга бўлинади.

Мушак толаси тузилишини ўрганиш учун олинган синов мушак биопсияси деб аталади ва лаборатория шароитларида махсус аппарат ёрдамида бажарилади. Ушбу ташхислаш методи спортда саралаб олиш амалиётида кенг қўлланилмайди.

Югуриш мушаклар иши асосини ҳаракатларнинг чалиштирма координатцияси ташкил этади. Югуриш ҳаракатининг баъзи фазаларида мушаклар ишининг кўриб чиқамиз.

Югуришда спортчи ҳаракатларининг ташқи кўринишини баҳолаш ҳаракатларининг тўлиқ кўринишини баҳолаш ёки механика тилида айтсак, ҳаракат кинематикасини ўрганиш ҳар доим тўлақ маълумот беравермайди. Ҳаракат инсоннинг асосий двигатели—скелет мушакларининг қисқариш фаолияти натижасидир, шунинг учун қисқа масофада югуриш техникасини қараб чиқаётиб, биринчи навбатда ҳаракатнинг ички тузулмасини тушуниб олиш зарур.

Инсон ҳаракат апаратининг энг мураккаб анатомик ва физиологик тузилмалари ҳозирги даврда югуришнинг хусусиятини етарлича аниқ моделлаштирилган ҳамда таърифлаб беришга имкон қийинчиликги шундан иборатки, нафақат оёқларнинг 50-та мушагидан ҳар бири балки тана ва қўлларнинг кўпгини бошқа мушаклари ҳаракатнинг умумий хусусиятига таъсир кўрсатади. Ундан ташқари инсонларда мушак толалари тузилиши ҳар хил бўлади, яъни морфологик белгилар ҳам эътиборга олинса (тананинг тола ўлчамлари), спортчи қисқа масофага югурувчининг ва ўйин азоларнинг асосий ҳаракат таъсирларни сифат жиҳатдан таърифлаш жуда қийинлиги яққол кўзга ташланади.

Шунинг учун қисқа масофаларга югурувчининг идеал ҳаракат модели тўғрисидаги эмас, балки спортчи томонидаги максимал тез ҳаракатларни бажариш жараёнида мушак қисқариши ҳамда мушаклар гуруҳларининг ўзаро таъсири қонуниятлари тўғрисида гапириш мақсадга мувоффиқдир.

Югуриш маълумки, мушаклар ишида мушак зўриқиши шунга олиб келадики, у қоплаб турган бўғинли бурчаги камаяда ва қисқаради ҳар хил характерларда мушаклар ерга тушишини амортизациялаши ёки катта тезлик билан ҳаракатланаётган оёқларни тўхтатилиши керак бўлади. Бунинг натижасида зўрикқан мушак ташқи кучлар таъсирида тузилади, бундай режим эсцентрик зўриқиш деб аталади.

Тез ҳаракатлар мушакларининг шундай ишлатилишини тақозо этадики, бундай ишда бўғим ўраб олинган бўлади. Бўғимларни қарама-қарши тамонлардан ўраб турувчи антагонист мушаклар бир вақтнинг ўзида зўриқади ва кучини ўзаро мувозанатланган ҳолда тизимини “қулфлаб қўяди” ва тизимни бошқаради. Мушакларнинг бундай зўриқиши изаметрик зўриқиш дейилади.

Демак ҳаракат амалини бажариш жараёнида мушак бўшаштирилиши ёки учта зўриқиш ҳолатидан бирида бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳаракатнинг ички механизмини ўрганишда айрим мушак гуруҳларининг зўриқиши хусусияти мушакда бир вақтнинг ўзида ишлаётган ҳаракат бирликлари сонини (бу қисқариш кучини аниқлаб беради), шунингдек уларнинг зўриқиш давомийлигини билиш зарир.

Экстримал (фавкулотда) шароитларда мунтазам ишлаш болдир мушаклари максимал куч имкониятларнинг анча ўсишига олиб келади. Шунинг учун илик мушаклари қаттиқлигига кўра энг, кучли қисқа масофага югурувчилар бошқа спорт тури билин шуғулланувчи спортчилардан анча устун ҳисобланади.

Югуриш қадамининг таянч даврини бажариши жараёнида мушак гуруҳларининг изчил ишлаши ва уларнинг фаолият режимларига оид келтирил-

ган маълумотлар қисқа масофага югурувчилар машғулотида қўлланиладиган махсус тезлик куч машқларини саралаб олишда танлаб ёндашиш учун имкон беради. Спорт машғулоти назариясидан маълумки, махсус воситаларни танлаб олиш қўлланиладиган машқларни мусобақадан машқларга динамик мос келиш тамойилига асосланади. Одатда, амалиётда болдир мушакларининг тезлик куч имкониятларини ривожлантириш учун ҳар хил юқорига сакрашлар, юқорига сакраб чиқишлар, оғирлик билан оёқ учиға кўтарилишлар ва шунга ўхшаш машқлар қўлланилади. Югурувчиларнинг тезлик-куч тайёргарликларида катта ўрин эгаллаган кўп сакрашлар ҳам ўзларининг ҳаракат параметрларига кўра, тез югуриш тавсифларидан фарқ қилади. Чунки оёқларнинг ерга қўйилиши текис оёқда амалга оширилади ва амортизация фазасида асосий юклама тиззани ўраб турувчи мушакларга ҳамда бойламларга тушади.

Шундай қилиб, қисқа масофага югурувчилар учун энг муносиб машқлар таҳлили қуйидагилар бўлиши керак “бир оёқда югуриш, бунда оёқ кафтининг олд қисми билан ерга тушилади, ушбу ҳолатда кўп сакраб чиқиш машқлари мушаклар мустаҳкамлигини таъминлайди.

1.2. Қисқа масофага югуриш машғулотида восита усулларини қўлланилиши.

Қисқа масофага югурувчилар фойдаланадиган юкламаларнинг ўзига хос асосий хусусиятлари енгилроқ машғулоти юкламаларининг мураккаброғи билан алмашилиб туришидир. Лекин бир қатор тадқиқотчилар юкламаларнинг фақатгина катталиқда эмас, балки уларнинг микроциклларда анча фойдали алмашинуви ва умумий кумулятив таъсирдан сўнг бўладиган кўринишлари билан боғлиқ таъсирини ўрганиш кераклигини кўрсатадилар.

Етакчи олимлардан Н.Г.Озолин машғулоти цикли ва унинг айрим тузилиш бирликларини тузиш муаммоси билан кўп йиллар давомида қизиқиб

келишмоқдалар. Лекин ҳозирги пайтда амалиётда юкламаларнинг ҳажми ва шиддати ошиб бораётганлиги сабабли кўтарилган кўпгина саволлар, асосан, тажрибадан келиб чиқиб ҳал қилинмоқда. Хусусан, бу машғулот циклининг энг муҳим тузилиш бирлиги ҳафталик микроциклга тегишлидир. Микроцикллар асосида машғулотни режалаштириш яхши натижаларга эришиш ва шу билан бир вақтда чарчаш ва тикланиш цикллари ўртасидаги муносабатлиқни таъминлаш учун спортчи организмидаги имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишга имкон беради. Машғулот микроциклларида турлича йўналишдаги машқлар қилинади. Улардан ҳар қайси спортчи организмига маълум бир таъсир кўрсатади. Шунинг учун микроциклни шундай тузиш керакки, у машғулотнинг у ёки бу босқичига мос келувчи барча асосий юкламаларни фойдали ечишига имкон берсин.

Микроциклларни тузишдаги кўпгина масалаларни ечиш асосида мускул фаолияти билан боғлиқ бўлган чарчаш ва тикланиш цикллари тўғрисидаги таъминот ётади. Мушак фаолиятининг физиология ва биохимия бўйича тадқиқотлари орқали жисмоний юкламаладан кейинги тикланиш цикллариининг фазали эканлиги кўрсатилган. Тикланиш даврида келиб чиқувчи турли тизимлардан конструктив ўзгаришлар чидамлилиқнинг ошишига асос бўлади. Шу туфайли иш давридан кейинги даврда икки даврни фарқлаш керак:

1) Бу фазада мушак иши таъсирида ўзгарувчи жисмоний ва вегетатив функциялари (турли тикланиш даври) бўлиб, унинг асосида организм гомеостазининг тикланиши ҳисобланади.

2) Конструктив фаза (тикланишнинг қолдирилган даври)даги циклда кетма-кет бўладиган реакциялар йиғиндиси туфайли организмнинг орган ва тўқималарида функционал ҳамда тузилмалари қайта қурилиши шаклланиши келиб чиқади. Одатда худди шу даврда энергия потенциаллари жуда катта комплексиани ва муҳитнинг ҳамда руҳий цикллариининг турли параметрлари фазаси кузатилади. Тикланишнинг қолдирилган даврида организм ҳолатининг

конуний ўзгаришларига мос равишда машғулот юкламалари ва машқларининг алмашилиб туриши бу ҳолатдаги ўзгаришларни бошқариб туриш учун замин яратади.

Маълумки, жисмоний ишдан кейинги тикланиш цикллари истерохрон тарзида ўтади, яъни жуда катта комплексиацияси бир вақтнинг ўзида рўй беради. Шу ерда савол туғилади, қайси тикланувчи функцияга қараб иш тутиш. Бу 6-7 кунда бир мартадан кўп бўлмаган катта машғулот юкламаларига эга машқларни қўллашни билдириб, у спорт амалиёти билан қарама-қаршиликка учрайди. Н.В.Зимкин, Н.И.Волковлар жисмоний машқларнинг хусусиятлари ва уларни қўллаш услубияти, юкламаларнинг турли катталики ҳамда йўналишга эга бўлган умумий, таъсирга боғлиқ бўлган айрим юкламалардан келиб чиқувчи оқибатларни тадқиқ қилишнинг кенг истиқболлини аниқловчи ишларида бу ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини топамиз. Таъкидлаш жоизки, бу муаллифларнинг турли йўналишдаги юкламаларнинг алмашинувини оқилона ташкил қилиш масалаларига ёндашуви ҳозирги кунда янгилик эмас. Унинг амалий аҳамияти илгари Л.П.Матвеев томонидан аниқланган. Унинг ҳисоблашича, машғулотлар ва дам олиш оралиғининг тузилмаси асосой машғулотларида қўллаган машқларга нисбатан, тикланиш ёки юқори иш қобилияти бўлганда олиб бориш учун керак. Бундан ташқари, Л.П.Матвеев кўрсатишича, бир машғулот тугагач, ундан кейин тикланиш цикллари тугагунга қадар, организм, ҳали етарлича юқори даражада иш қобилиятига эгалигида бошқа йўналишдаги юкламали машғулот ўтказиш мумкин. Лекин бу ва шунга ўхшаш фикрлар назарий таҳлил ҳамда спорт амалиётининг айрим ҳолларидаги маълумотларга мосланади, қисқа масофаларга югуришдаги машғулотнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда тажрибада ўрганишга эътибор қаратади.

100 м.га югуришда югурувчилар (Д.Ионов ва Г.Черняев, Россия) ўзининг максимал тезлигига, одатда, энг юқори ёки унга яқин суръат чўққисига етган пайтда эришадилар. Лекин кимда-ким юқори суръатда югурса, у тезликда

устунликка эга, деб эътироф этиш мумкин эмас. Ҳар бир спринтердаги қадамлар узунлиги ва суръатининг оптимал нисбатини эътиборга олиш лозим. Юқорироқ тезроқ ўзаро боғлиқлик мезони бўлади.

Машғулотнинг бошланғич босқичларида югуришдаги натижа умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик даражасининг ошиши ҳисобига эришиладиган қадамлар узунлигининг ортиши, шунингдек, депсиниш кучининг ошиши ҳамда югуриш техникасининг такоммиллашуви эвазига ўсади.

1.3.1-жадвал

Югуриш тезлигининг (м/с) бир секунд ичидаги қадамлар узунлиги ва суръати нисбатига боғлиқлиги.

Секунд ичида қадамлар сони	Қадамлар узунлигида, (см) -югуриш тезлиги(м/с).			
	220	230	235	240
4,8	10,56	11,04	11,28	11,52
5,0	11,00	11,50	11,75	12,00
5,2	11,22	11,73	11,98	12,24

Спринтерлик югуриши натижалари тенг даражада қадамлар узунлигига (корреляция коэффиценти=0,554) ва қадамлар суръатига боғлиқ (=0,625).

Қадамлар узунлиги ва бир вақтнинг ўзида улар суръатининг ошиши югуриш тезлиги ўсишининг зарур шарти ҳисобланади.

100 м масофани қадамлар суръатига кўра учта қисмга ажратиш мумкин, қадамларнинг ошиши, барқарорлашиши, камайиши.

Энг кучли югурувчиларда 100 м. масофанинг 20 метрли бўлагида қадамлар суръатининг такрорланиши 3,97; 4,79; 4,73; 4,46 ни ташкил қилади. Жаҳонда 100 м масофага югуришда аёллар ўртасида рекордчиси Гриффит Жойнерда – 4,64; 4,68; 4,57; 4,62 (натижа - 10,54).

2-жадвал

Спринтерларнинг ҳаракат тезкорлигини ривожлантириш учун машқлар комплекси.

Топшириқлар тури	Меъёри	Усулик кўрсатмалар
Турган жойида максимал қадамлар билан югуриш.	3x5 марта x 3-4с	Тез, янада тезроқ, “жуда тез”, имкон қадар тезроқ, югурувчилар ўтириб олмасликларини, бошларини туширмасликларини, қалтирашли ҳаракатлар қилмасликларини кузатиб туриш.
Турган жойида, югуришдагидек қўллар билан тез ҳаракатланиш.	3x5марта x 3-4с	Худда юқоридагидек
Таянмасдан максимал суръатда турган жойида югуриш.	2x3 марта 4-5с	Ҳаракат қалтирашли оёқ босишга ўтиб кетмаслиги керак. Машқни бажариш ритмига эътибор қаратиш лозим.
Максимал суръатда қисқа қадамлар билан белгилар бўйлаб югуриш.	2x10марта x 3 – 4 с Югуришлар орасида дам олиш - 2 мин. сериялар орасида - 3-4 мин.	Қоматни, қўлларнинг ишлашини, оёқнинг ерга қўйилишини кузатиб туриш.
Тўлдирма тўплар устидан максимал суръатда югуриш.	12-15 тўп x 6-8 марта, дам олиш танафуслари - 1,5-2 мин.	Орқага эгилиш мумкин эмас, оёқ кафтида баланд кўтарилиб югуриш.
Сонни баланд кўтариб, максимал суръатда олдинга силжиш.	3 марта 10-15 мин. Дам олиш танафуси - 1,5-2 мин.	Машқ тугагандан сўнг 10-15 мин. эркин югуришга ўтиш.
“Кун ва тун” каби ҳаракатли ўйинлар	12-13марта такрорлаш.	Сигнал ҳар хил дастлабки ҳолатлардан берилади: бир-бирига юзи билан, орқамача туриб, сакрашларни бажара туриб ва хоказолар.
Максимал суръатда зинадан югуриш	4-6 марта x 20-30 зина, дам олиш - 3мин	Зўриқишли ҳаракатларни бажармаслик лозим.

Спринтернинг махсус чидамлилигини ифодаловчи масофанинг иккинчи бўлагида қадамлар суръатининг пасайиши қадамлар узунлигининг бир оз оширилиши билан қисман қопланади.

Қисқа масофаларга югурувчиларнинг турли йўналишдаги машғулотлардан кейинги тикланиш реакцияларини тадқиқ қилиб, барча ўрганилган кўрсаткичлар бўйича тўлиқ тикланишни тезлик йўналиши машғулотларидан кейин 6-8 соат ўтгач, умумий ва махсус чиниқишни такомиллаштиришга йўналтирилган машғулотлардан кейин эса, баъзи бир ҳолатларнинг тикланишгача етиб бора-олмаслиги, бошқаларнинг юқори даражада тикланишларини қайд қилдилар.

Бунда машғулотлар (турган жойда 15 с. югуриш тести бўйича иш қобилияти ва махсус чиниқишни ривожлантирувчи машғулотлардан сўнг кучнинг тушиш тезлиги коэффициентидан ташқари)нинг ўзига хослигини тушунтирувчи жиддий фарқлар топилмади. Кетма-кет уч кунлик машғулотлардан сўнг барча, асосан вегетатив тизим фаолиятини характерловчи кўрсаткичларнинг ёмонлашуви қайд қилинди. Бундан келиб чиқиб, муаллифлар уч кунлик машғулотдан кейин уч кун дам олиш кераклиги ҳақида хулоса қиладилар. Бу тадқиқотнинг ижобий томони шундаки, муаллифлар томонидан турли йўналишдаги машғулотларнинг организмга таъсири тадқиқот қилиниб, кетма-кет икки ёки учта машғулотнинг натижа йиғиндиси аниқланган.

Шундай қилиб, берилган юкламани бажариш кўп жиҳатдан югурувчининг анаэроб имконларини ривожлантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, 190 зар/дақ.ли ЮҚС билан масофалар орасида 6 дақ. дам олиш билан бўладиган 3х80 м.га қайта югуриш шуғулланувчилар организмга янада кўпроқ таъсир кўрсатади, шу сабабли эртаси куни анаэроб ва юқори тезлик имкониятларини таърифлаб берувчи кўрсаткичларнинг ҳали тикланишга улгурмаганлиги қайд қилинади. Лекин, қисқартирилган юкламалар ҳисобига тезкорликни дам олиш орқали ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларнинг у ёки бу тартибини аниқлашда, хусусий машғулот самарали (организмнинг бир юкламадан ёки бир хусусиятга эга бўлган юкламалар комплексидан таъсирланиши) каби кумулятив самара, яъни турли қулай йўналишдаги юкламаларнинг организмга таъсиридан келиб чиққан оқибатларни (хусусий самара)ни умулаштиришни ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу билан бирга оқибатлар фақатгина мослашиш самараси кўринишида жамланиб қолмасдан, балки организмда умумлашиб, уни янги сифат ҳолати билан таъминлайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, машғулот циклида турлича тузилиш бирликларини, хусусан, 13-15 ёшдаги қисқа масофага югурувчиларда тайёргарликни микро ва мезоциклларни ташкил қилиш масалаларини ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда машғулот циклини илмий жиҳатдан қулайлаштириш зарурияти туғилганлиги кўрилмоқдаки, бу машғулот циклининг турли тузилиш бирликлари мазмуни ва принциплари, шу жумладан микро ва мезоциклларни аниқлаш билан боғлиқдир. Бунда циклни, қулайлаштириш деганда, биз уни тузишда ҳаракат имкониятларининг энг кўп ўсишини таъминловчи вариант танлашни тушунамиз. Бир вақтнинг ўзида қулай вариантни танлаш спортчини тайёрлашда ҳал қилинадиган масала ва қонуниятлардан келиб чиқиб, циклнинг мазмунини аниқлаш ва бу мазмунни вақтларга тарқатиб чиқиш билан боғланган бўлиб, бунда масала ва қонуниятларни спортчининг спорт маҳоратига эришишни таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, машғулот циклини қулайлаштириш-бу машғулот дастурини шундай тузиш керакки, бунда унинг мазмунини тартибга келтириш шарти қўйилади (7, 25, 33, 44, 46).

Ушбу тадқиқотда қисқа масофага югурувчилар шиддатли машғулот юкламаларини бажаргандан сўнг функционал ҳолат ва мускул иш қобилияти кўрсаткичлари тикланишига боғлиқлиги кўрсатилган.

1.3. Қисқа масофаларга югуришда техник ҳаракатларнинг ўрни.

Қисқа масофаларга югуришда техникани бир неча фазаларга бўламиз. Старт ва старт олиш, тезланиш, масофа бўйлаб югуриш ва маррага ташланиш техникалари – спринтернинг тезлик-куч имкониятларини амалга оширишда ҳал қилувчи омилдир. Спортчи стартдан тезлик олишда оёқлар мушаклари кучидан яъни портловчи куч имкониятларидан фойдаланади, тезланиш вақтида тананинг бошқа аъзолари оёқ ва қўл ҳаракатлари ёрдамга келади ҳамда масофада ўзининг энергия захирасидан қанчалик оқилона, тежамкорона ва самарали фойдалана ололса, натижа шунга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари яна бир техник ҳаракат ғалабага эришишда катта аҳамиятга эга. Яъни спортчи маррага кириш вақтида “финиш”¹ қилиш техникасини кўзда тутилади.

Одатда, спорт машқларининг бажарилиш техникаси инсон танаси айрим аъзолари ҳаракатларининг ташқи кўрсаткичлари бўйича таърифланади.

Спринт югуриш ташқаридан қараганда спортчининг эркин, енгил, оғир, бўшашган, кучли, шиддатли, паст, юқори ва кўпгина бошқача таърифга эга югуриши билан ифодаланади. Қисқа масофаларга югуриш кинограммалари таҳлили ҳаракатларнинг умумий манзарасини батафсил таҳлил қилиш имконини беради, қайд қилинган ҳолатларнинг изчил таҳлили эса ҳаракатларнинг (бурчаклар, тезлик, тана аъзоларининг силжишлари) аниқ миқдорий кўрсаткичларни аниқлаб беради. Бироқ бундай тавсифлар етарли эмас, бу маълумотларнинг аниқ ҳисоблаб чиқилиши ҳам уларни амалда қўллашга ҳали имкон бермайди. Масалан, спринтер ўз югуришининг иккита кинограммасига эга. Натижалари – 10,20 ва 10,40 сек. биринчи ҳолда мусобақада ғалаба қозона олди, иккинчисидан у хатто финалга ҳам ўтмади. Агар қайердадир югуриш техникаси бузилганлигидан келиб чиқсак, тезкор

¹ **Финиш** – “**Finish**” инглизча сўздан олинган бўлиб, тугатмоқ, якунламоқ, тамом қилмоқ маъноларига айтилади. Енгил атлетикада спортчи масафани якунлаш вақтида маррага кириш чизиғидан ўтиш ҳолати финиш деб айтилади.

кинотасвирга олиш ёрдамида хатоларни излаш ва таҳлил этиш зарур. Дарҳақиқат, спринтерлар асосан масофада 43-48 қадам бажарадилар, демак, ёмон натижа кўрсатилганда ҳар бир қадамда у 0,004 сек. атрофида йўкотади. Бундай вақт оралиғида техник хатони аниқлаш учун тасвирга олиш суръати бир сония ичида камида 1000 та кадр бўлиши керак ва материалга сифатли ишлов беришда компьютер техникасидан фойдаланиш зарур бўлади. Одатда, спортчи танасининг эгилиш бурчагига, оёқ кафтини йўлка устига қўйиш хусусиятига ва унинг таянч фазадаги ҳолатига, шунингдек, силкинч оёқ тиззасининг вертикал палладаги ҳолатига (у шу пайтда таянч оёқ тиззасидан олдинроқда бўлиши керак) эътибор қаратилади.

Югуришда спортчи ҳаракатларининг ташқи кўринишини баҳолаш ёки, механика тилида айтадиган бўлсак, ҳаракатлар кинематикасини ўрганиш ҳар доим ҳам батафсил ахборот бера олмайди. Ҳаракат инсоннинг асосий ҳаракат двигатели – скелет мушакларининг қисқариш фаолияти натижасидир. Спринтернинг югуриш техникасини кўриб чиқаётиб, биринчи навбатда, ҳаракатнинг ички тузилмасини тушуниш лозим. Инсон ҳаракат аппаратининг мураккаб анатомик ва физиологик тузилмаси ҳозирги вақтда югуриш хусусиятини етарлича аниқ моделлаштиришга ҳамда таърифлашга имкон бермайди. Қийинчилик шундаки, ҳаракатнинг умумий хусусиятига оёқларнинг 60 та мушакларидан ҳар бири таъсир қилиши билан бирга, тана ва қўлларнинг кўп сонли бошқа мушаклари ҳам таъсир кўрсатади. Ундан ташқари, инсонларда мушак толаларининг тузилиши ҳар хил бўлади, агар морфологик белгиларни (тананинг ва унинг айрим аъзоларининг тотал ўлчамларини) ҳам эътиборга оладиган бўлсак, спортчи-спринтерлар ҳаракатларининг асосий тавсифларини сон жиҳатдан таърифлаш қанчалик қийинлиги яққол кўзга ташланади.

Шунинг учун қисқа масофаларга югурувчининг идеал ҳаракатлари модели тўғрисида эмас, балки спортчи томонидан максимал тез ҳаракатларни

бажариш жараёнида мушак гуруҳларининг ўзаро таъсири ҳамда мушак қисқариши умумий қонуниятлари ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ.

Старт берувчининг сигналига реакция қилиш вақти спринтер учун жуда муҳим, чунки бу вақт умумий югуриш натижасига киради. Шу сабабли у қисқа масофаларга югурувчиларнинг тайёргарлиги асосига киритилиши зарур, боз устига, масофа қанча қисқа бўлса, реакция вақтини такомиллаштиришга шунча кўпроқ вақт ажратиш лозим.

I Боб бўйича хулосалар

Мавзуга оид илмий, услубий адабиётлар таҳлилида қисқа масофаларга югурувчиларни физиологик хусусиятлари машғулотларни тақсимланиши ва ўргатиш услубиятидаги воситаларни қўлланилиши бўйича қуйидаги хулосаларини қайт этиш имконини яратади.

Олиб борилган тадқиқотларда қисқа масофаларга югурувчиларни ривожланиши ва тайёргарлигида 12-13 ёшдаги қизларда тезкорлик куч сифати максимал даражада ривожланиши аниқланди.

Ўқув машғулоти гуруҳлари тарбияланувчиларида йиллик машғулотлар сони 240-260 марта ташкил этади. Машғулотлар соати 960-560 соатгача етиши мумкин. Умумий югуриш юкламалар ҳажми ҳар хил шиддатларда 1600- 2600км гача етиши мумкинлигини илмий услубий адабиётларда берилган. Йиллик машғулотларида назорат машқларидан тезкорликни аниқлашда 20-30 м масофага старт олдида югуриб ўтиш, 60 м масофага пастки стартдан югуриш, тезкор куч чидамлилигини аниқлашда 150, 200, 300 м. югуриш машқларидан фойдаланиш тезкор кучни ривожланганлигини аниқлашда жойдан туриб узунликка сакраш.

Жойдан туриб уч, беш ҳатлаб сакраш машқлари спортчиларни тайёргарлик даражасини баҳолашда асосий сараланган машқлардан ҳисобланади. Йиллик тайёргарлик машғулотлари асосий уч босқичдан иборат бўлиб тайёрлов даври, мусобақа даври, дам олиш даврларни ўз ичига олади.

Кўпчилик мураббийлар фикрича қисқа масофага югурувчилар машғулотларида кўпроқ такрорий машқларни 85-90% шиддатда бажариш. Дам олиш оралиғи югуриш усулини 90-100% шиддатда 5-2 гача дам олиш оралиғи алмашлаб югуриш усулида 75-85% шиддат билан югуриб ўтиш.

Сакраш машқлари тезкор кучни ривожлантиришда 8-6 серияларда бажаришларни ўқув машғулоти гуруҳи қисқа масофага югурувчилар учун асосий машғулотни самарадор усуллардан ҳисоблашади.

П.БОБ. ВАЗИФАЛАР, ТАДҚИҚОТ УСЛУБИЯТЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ.

2.1. Тадқиқот вазифалари.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этдик:

1. Енгил атлетика мусобақаларида фойдаланиладиган ахборот технологиялар орқали спорт натижаларини таҳлил қилиш.

2. Енгил атлетика бўйича ўтказиладиган мусобақаларда замонавий ахборот технологиялар ёрдамида қисқа масофаларга югурувчиларни старт реакциялари ўрганиш.

3. Енгил атлетика бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақалар натижасини қиёсий таҳлил қилиш.

2.2. Тадқиқот усуллари.

Олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этишда қуйидаги педагогик тадқиқот усуллардан фойдаланилди:

- енгил атлетиканинг қисқа масофаларга югуриш бўйича илмий услубий адабиётлар таҳлили;
- мусобақа фаолиятига мос келувчи омилларини ўрганиш;
- мусобақаларда кўрсатилган спорт натижаларини таҳлили;
- педагогик назорат;
- педагогик кузатув;
- математик –статистик усуллар.

2.3. Тадқиқот ташкиллаштириш

Тадқиқотлар 2012 йилдан болашлаб 2016 йилгача бўлган вақтда Ўзбекистон миқёсида ҳамда Олимпия ўйинлари шунингдек енгил атлетика

бўйича Жаҳон чемпионатларда кўрсатилган спорт натижаларни таҳлил қилиши орқали уларни ўрганишни 3 та босқичга бўлидик.

2.4. Тадқиқот педагогик кузатув ва тестлаш.

Педагогик тадқиқотда энгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда қисқа масофаларчиларни ҳақаракат фаолиятини белгилувчи спорт натижаларини ўрганиш. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тестларда фойдаландик:

1. Спортчиларни қишки мусобақалардаги 60 м.га югуришда старт реакцияси.
2. Спортчиларни ёзги мусобақалардаги 100 м.га югуришда старт реакцияси
3. Фотофиниш ҳолатини аниқлаш.

2.5. Педагогик тажриба

Педагогик тадқиқот уч босқичда ташкил этилди.

I босқич 2012 йилда ўтказилган мусобақалар таҳлили. Ушбу босқичда мавзуга оид илмий услубий адабиётларни ўрганиш ва ташкил этиш вазифалари бажарилди.

II босқич охириги 3 та жаҳон чемпионати ва 2012 йилда ўтказилган Олимпияда ўйинларида спортчиларнинг натижалар.

III босқич. 2013 йилнинг апрел- 2014 йил феврал ойларида маҳаллий чемпионатлар ёзги ва қишки мусобақаларда қисқа масофаларга югурувчиларнинг старт ва фотофиниш ҳолатларини, спортчиларнинг старт реакцияларини ҳамда фотофинишда юзага келган бахсли муаммоларни ўрганишга ҳаракат қилинди.

III БОБ. ЕНГИЛ АТЛЕТИКА МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. Жаҳон миқёсида бўлиб ўтган йирик мусобақаларнинг таҳлили

Енгил атлетика мусобақалари ўтказиш жойлари ва вақтининг тақвими асосида очиқ ва ёпиқ майдонларда бўлиб ўтади. Лекин очиқ майдонларда ўтказиладиган кросс мусобақаларида фотофиниш тизими ишлатилсада мусобақа рекорди ўрнатилиши мумкин бироқ жаҳон рекокиди ўрнатилиши учун белгиланган мусобақа қоидалари зарур бўлади. Стадионда ўтказиладиган мусобақаларнинг барчасида рекорд натижалар қайд этилиши мумкин. Аввал таъкидлаб ўтканимиздек рекорд қайд қилиниши учун уларда старт реакциясини вақти, фотофиниш тасвири ва бошқа ҳужжатлар зарур бўлади. ва шу ҳолларда рекордлар баённомалаштирилиб рекорд эълон қилинади.

Йирик яъни жаҳон миқёсидаги мусобақаларда спортчилар сони кўплаб ҳолларда белгиланган меъёрни бажариб мусобақаларга лицензияларни кўлга киритади. Агар IAAF томонидан билдириладиган бирор-бир норозичилик учун мусобақа ташкилотчилари томониан белгиланган тартибда ҳужжатларни тақдим этиши сўралади ва ҳужжатлар тақдим қилингандан кейин кўриб чиқилади.

2008 йил Пекин (Хитой) шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ямайкалик спортчи Усаин Болт ҳаммани ҳайратда қолдириб инсониятни тезлик имкониятларини барча намоиш этиб келаётган бир даврда мусобақага етакчи сифатида ташриф буюрди. Лекин унинг мавсумда бўйича кўрсатган натижаси иккинчи ўринда эди. Унгача америкалик Тайсон Гай йилнинг энг яхши натижасига эга эди. Яна бир спортчи ямайкалик 5 карра жаҳон рекордчиси Асафа Пауэл ҳам юқори спорт формасида мусобақа ғолиби бўлишга асосий номзодлардан бўлиб саналар эди. Ушбу мусобақанинг финал босқичида уччала спортчи ҳам 100м.га ўтказиладган финал куч синашадиган бўлди. Бу якунда У.Болт ғолиб чиқди. Биз таҳлил қилмоқчи бўлган асосий нарса бошқа эди.

